

ЎЗБЕК АКАДЕМ ТИЛИ ХУСУСИДА БАЎЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Дилшодбек Ҳакимов

Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси
Ўзбек тил, адабиёти ва фолклори институту

Она тилимизни илм-фан тили сифатида ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратишимиз зарурлиги мамлакат Президентининг эътиборида эканлиги, маълум. Давлат раҳбарининг деярли ҳар бир масалага илмий ёндашувни ва барча ишларнинг илмий асосига эътибор қаратишининг замирида халқнинг, миллатнинг илмий салоҳиятини ошириш масаласи турганини сезиш қийн эмас. Маҳаллий тил илмийликка томон тараққий этиб бориши натижасида у - *юнон, араб, хитой* тиллари каби абадийликка муҳрланади. Шу маънода, сўнги йилларда жамиятимизда фаоллашиб бораётган *Оила институту, Маҳалла институту, Фуқаролик институтлари* каби бирликлар таркибидаги *институт* лафзи, айна масалаларга илмий ёндашувни ва ушбу мавзуларга дахилдор муаммоларнинг илмий ечими устида изланишлар олиб бориш лозимлигини англатади.

Ана шу ҳолат Давлат тилини ривожлантириш департаменти, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда таркибида таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик, идора ва бошқа мутасадди ташкилотлар айнан ўзбек илм-фан тили масаласида ўз дастурларини ишлаб чиққан бўлсалар керак, деган фикрга олиб келади. Зеро илм-фан тили - академ тил сифатида тизимли ёндошувни талаб қилади.

Академ тилнинг: 1) назария, амалиёт; 2) ижрочи, истеъмолчи; 3) ўрганиш ва ўзлаштириш босқичлари тарзидаги, бири иккинчисини тақозо қиладиган ва тўлдириб борадиган узвларнинг таҳлили, таҳлилга турли ракурслардан ёндашишда ўзбек академ тилининг даражаси намоён бўлиб боради.

Академ тил назарияси – дарслик ва қўлланмалар, дарснинг дастур ва режаси; илмий мақола, тезис, диссертация, автореферат, монографияларда кўринади. Академ тил амалиёти – олий таълимдаги дарсларда, диссертацияларнинг семинарлари ва ҳимояларида, монографиялар муҳокамасидаги нутқлар, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, мансаб, лавозим ўқишларида намоён бўлади.

Ижрочилари – фаннинг муайян йўналишидаги ўқитувчи ва мураббийлар, диссертантлар, олимлар, профессорлар, академиклар. Истеъмолчи – барча тоифадаги талабалар, тадқиқотчилар, докторантлардан то касбий тайёргарликка ўқиётган, малака ошириш тингловчиларигача.

Академ тилни ўрганиш ва ўзлаштириш: биринчидан, олий таълимнинг – бакалаурият ва магистратура босқичларида; иккинчидан, докторантура – фаннинг муайян йўналиши бўйича фалсафа доктори (фан номзоди), фан доктори каби илмий даражалар ҳамда доцент, профессор, академик каби илмий унвонларига эришиш йўлидаги ҳаракатларда; учинчидан, қайта тайёрлаш ва малака ошириш каби

тизимнинг узвийлиги, ана шу механизмнинг ҳар бири узвий равишда ишлаши академ тилнинг такомилида муҳим рол ўйнайди.

Тилимизга бўлган узликсиз тазиқлар натижасида аجدодларимизнинг академ меъроси ўзга тилларида яратилгани тарихдан маълум. Муаян тилда академ фикрни акс эттириш ўзига хос мураккаб жараён, яъни: 1) эмпирик босқичда - муайян тилни (жумладан она тилини) замон талаби даражасида ўзлаштириш; 2) ўрта босқич - ана шу тилдаги манбани мутолаа қилиб тушуна олиш; 3) юқори босқич - манбадаги академ фикрни идрок этиш; 4) кулиминацион босқич - манба мавжуд бўлган тилида илмий, академ фикрни баён қила олиш кабиларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида салоҳият, кўникма талаб қиладиган ўзаро узвий боғлиқ бўлган бошқа-бошқа мактаблар сифатида истеъмолчининг тилни ўзлаштирганлик даражасини кўрсатиб берадиган мезон вазифасини ўтайди.

Айни пайтда айрим миллий тилларда, жумладан, форс, япон, немис, француз ва рус тилида саводхонлик етарли даражада шаклланган бўлиб, уларда сўзлашув нутқи билан академ тил нисбатан яқин.

Ўзбек тилида миллий академ тилни барқарор ривожланиши учун: Биринчидан, дарс жараёни тўла илмий тилда бориши шарт ва зарур. Иккинчидан, фарзандларга домий равишда ота-оналари ва яқинлари томонидан илм йўлининг келажаги порлоқ эканлигини сингдириб борилиши лозим. Учинчидан, шоирлар ва ёзувчиларнинг асарлари илмийликка, илм йўлига даъват, рағбатга йўналтирилса; Тўртинчидан, инсониятнинг руҳиятига, савиясини кўтаришга тез таъсир қиладиган асосий воситалардан бири оммавий ахборот воситалари, жумладан радио ва телевиденияда илмий мавзуга алоқадор эштиниш ва кўрсатувлар, бадиий филмларни кўпайтириш зарур.

Ўтган асрда собиқ империянинг тил сиёсатида кўра унинг тасарруфидаги Гуржустон, Арманистон ва Болтиқ бўйи жумҳуриятларидан ташқари барча республикаларда илм-фаннинг ҳамма йўналишларида ҳатто миллий тилга оид мавзулардаги тадқиқот ишлари ҳам рус тилида ҳимоя қилиниши, ҳужжатлаштирилиши шарт бўлганлиги маълум. Такидлаб ўтганимиздек, илм-фаннинг турли йўналишларида барча олимлар олиб бораётган илмий тадқиқотларига оид бошқа тиллардаги манбаларни пухта (1) ўрганган, (3) идрок эта олган. Аммо, масланинг энг муруккаб (4-) жиҳати, яъни ўрганилган манбалар тилида илмий ишни ёзишга баъзан тадқиқотчи ўзини ожиз ҳисоблаб, она тилида диссертация ёзган ҳолатлар, ёки айрим мавзуларнинг долзарблиги рус акдем тилида етарли даражада акс этмай қолишини ҳисобга олган ҳолда илмий изланишларини ўзбек тилида яратган ҳолатлар кўп бўлган. Ишнинг ҳимоясигача бўлган жараёнлар, ҳатто ҳимоя ҳам аудиториянинг кўтаришига кўра ўзбек тилда ўтказилган. Кенгаш аъзолари томонидан тадқиқотни маъқуллаб 100% овоз берилган. Бироқ заҳматкаш олимнинг зиммасида бошқа бир муаммо, яъни ўша даврда “ВАК” деб аталган - Олий атестация комиссияси (“марказ”)га жўнатиладиган барча ҳужжатлар,

биринчи навбатда диссертация ва автореферат рус тилига ўтирилиши кўндаланг бўлиб турар эди.

Мазкур ҳодисани келтиришдан мурод – қонхўр тузим даврида ҳам ўзбек академ тили етарли даражада шаклланганлигини, фақат сиёсий тузим: *Воиз деди – тақдир шул, Бу жаҳоний ирода. Тиллар йўқолур буткул, Бир тил қолур дунёда.* Ўзбек тилининг рўшнолик кўришига йўл бермаганлигини кўрсатишдан иборат. Ўзбек академ тили аллақачонлар лозим даражада шаклланиб бўлган, фақат уни амалиётда кенг қўллаш масаласи қолган ҳолос.

Академ тилнинг биринчи босқич тизимида дарслик ва қўлланмалар маълум маънода талаб даражасида деб айтиш мумкин. Бироқ амалиётда, дарснинг бориши жараёнида илмий тил иккинчи планга тушиб, сўзлашув нутқи фаоллашиши ҳолати академ тил таълимининг заифлашишига сабаб бўлаётган қусирларнинг энг асосийси ҳисобланади.

Шиддат билан ривожланиб бораётган замон ҳозирги кеча-кундузда илмий изланишлар остонасида турган авлодлар уч-тўрт ҳорижий тиллардаги манбалар билан тиллаша олишини долзарб қилиб қўя бошлади. Акс ҳолда ўртамиёналикдан нарига ўтиб бўлмайди. Олимларимиз ўз тадқиқотларини замон талаб қилаётган тиллар билан бир қаторда ҳозирги ўзбек тилида ҳам параллел ёритиб, Ватан ва халқ олдидаги фарзандлик бурчини, туз ҳаққини ҳис қилган ҳолда - тил масаласида бирёқламаликка оғиб кетмасдан ҳаракат қилишлари лозим бўлади. Яъни: 1) республика ҳудудида бажариладиган барча илмий тадқиқотлар: диссертациялар ҳимояси ва монографиялар нашри бирламчи Давлат тилида; иккиламчи зарур бўлган ҳорижий тилларда чоп қилиниши; 2) чет элларда илмий изланишлар билан банд бўлган юртимиз фарзандларининг тадқиқот натижалари республикада Ўзбек тилида чоп қилиниши; 3) бутун дунёда олиб борилаётган илмий изланишлар натижалари ва кашфиётларни зудлик билан республикадаги тегишли соҳа мутахассислари томонидан ўзлаштириш ва уни маҳаллийлаштириш ҳамда ривожлантириш ишлари тизимини қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш, бу ишни амалий натижалари хусусида муайян вазирликларнинг сенат олдида доимий ҳисоботи йўлга қўйилиши лозим.

Ана шунда: Биринчидан, қадимдан давом этиб келаётган миллий илмий тил масаласидаги оқсоқликка барҳам берилади. Иккинчидан, учинчи реннесансда ўзга тиллар билан бир қаторда миллий тилимизнинг бевосита иштироки таъминланади. Учинчидан, миллий илмий тил масаласида авлодларга кенг йўл очилади. Тўртинчидан, миллатнинг асосий белгиларидан бири бўлган она тилимиз қўш қанот билан сарҳад билмай асрлар оша юксакларга парвоз қилиши таъминланади. Шундагина учинчи (реннесанс) уйғониш даври дунё тамаддунини янги поғонага кўтара оладиган илмий изланишлар ўзбек тилида амалга оширилади. Замонавий илм-фаннинг сўнгги ютуқлари ҳаётга тадбиқ қилинади. Ватанимиз қисқа муддатларда ривожланган давлатлардан-да ўтиб, халқнинг турмуш даражаси жуда тез сураатларда юксалади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Президент Шавкат Мирзиёев – Тошкент, 2022 йил, 21 октябрь. Спутник.
<https://president.uz/uz/lists/view/5627>
2. ¹. Воҳидов Э., Сайланма. Шеър дунёси, иккинчи жилд. Она тилим ўлмайди.
Тошкент: “Шарқ” -2001 й., 46-б.